



**Ilmiy amaliy
jurnal
№ 5 (7)
2026**

**YANGI
O'ZBEKISTON
IQTISODIYOTI**

“YANGI O‘ZBEKISTON IQTISODIYOTI” *jurnali* 5-son 2026 yil

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIIY TA’LIM, FAN VA INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI**

**MIRZO ULUG‘BEK NOMIDAGI
O‘ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI**

YANGI O‘ZBEKISTON IQTISODIYOTI

5

ISBN 978-9943-5256-3-4

Toshkent – 2026

MUNDARIJA

Minojiddinov A.A. Meva-sabzavot tarmog‘i korxonalarini boshqarishda tashkiliy-iqtisodiy mexanizmlarni takomillashtirish yo‘llari	8
Mirzayev A.T., Dilnozaxon M. O‘zbekistonda turizm marketingi samaradorligini baholash va uni takomillashtirishning integratsiyalashgan mexanizmi.....	12
Shavkatov A.Sh. O‘zbekistonda kichik biznes rivojlanishining institutsional va makroiqtisodiy asoslari.....	16
Махаммаджанов М.М. Инновационная трансформация банковского сектора Узбекистана: общесистемные тенденции и финансовые результаты.....	20
Sativaldiyeva G.X. IFRS 16 “Ijara” xalqaro standartiga muvofiq ijara hisobidagi o‘zgarishlar.....	24
Ismailov X.M. Aloqa korxonalari moliyaviy barqarorligini ta‘minlash metodologiyasini takomillashtirish masalalari.....	28
Yusubov I.I. Mintaqada iqtisodiyotni barqarorlashtirishda raqamli xizmatlarning rivojlanishi.....	32
Saidaxmedov N.X. Paxta-to‘qimachilik klasterlari faoiyatini shakllanishi va rivojlanishining zamonaviy nazariyalari.....	35
Istamqulov D.Q., Danyarova F.B. Milliy iqtisodiyotga xorijiy investitsiyalarni jalb qilishni takomillashtirish yo‘llari.....	40
Aipova I.I. Resurs samaradorligini baholashning nazariy usullari va ko‘rsatkichlari.....	43
Mirzaraximova A.A. Tijorat banklari tomonidan aloqa sohasini moliyalashtirish samaradorligini oshirish yo‘llari.....	49
Xalmirzaev A.A. Yer va suv resurslaridan samarali foydalanishda hududiy ixtisoslashuvning ahamiyati va iqtisodiy samaradorligi.....	53
Sidikov Z.A. Sirdaryo viloyatida sanoatlashtirish jarayonining hududiy ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishga ta‘siri.....	59
Usmanova N.Y. Raqamli iqtisodiyotda menejment qarorlarini qabul qilishda innovatsion texnologiyalarning roli.....	63
Ergashev R.X., Rajabaliyeva I.A. Transport-logistika infratuzilmasini raqamli texnologiyalar asosida rivojlantirish va uning samaradorligini oshirish.....	67
Raximova D.S. Barqaror restoran amaliyotlari: oziq-ovqat chiqindilarini kamaytirish va qayta ishlashning innovatsion yondashuvlari.....	70
Narzullayeva X.A. Investitsiya muhiti jozibadorligini oshirishning xalqaro tajribalari.....	76
Muxitdinov Sh.Z. Kichik agrobiznes subyektlarida mahsulotlar eksportini rivojlantirishga ta‘sir etuvchi omillar.....	84
No‘monov O.O‘. Agrotadbirkorlik subyektlarining eksport salohiyatiga ta‘sir etuvchi makroiqtisodiy va mikroiqtisodiy omillarni kompleks baholash.....	88
Yeshimbetov U.X. O‘zbekistonda qishloq xo‘jaligini barqaror rivojlantirishda tashkiliy-iqtisodiy mexanizmlarini takomillashtirish.....	92
Raximova K.N. Tadbirkorlik sharoitida yashil biznesni tashkil etish va rivojlantirishining o‘ziga xos xususiyatlari	97
Хошимов П.З., Тўрахожайев Х.Х. Ислоний банкларнинг ишлаш таомойллари ва ислон молия тизимининг Ўзбекистон иқтисодиётига таатбиқи.....	100
Sattarov R.A. An integrated methodological framework for evaluating and forecasting interregional economic cooperation: an input-output approach (evidence from Uzbekistan).....	107
Farmanov J.Z. Mintaqada asalarichilik ekotizimining tamoyillari va ekologik-geografik xususiyatlarini takomillashtirish	111
Qurbonov A.B. Janubiy iqtisodiy rayonda qishloq xo‘jaligi orxonlarining tarkibiy o‘zgarishi va agrar kooperatsiyani rivojlantirish yo‘nalishlari.....	114
Тоштемиров Т.Т. Ўзбекистонда кичик тадебиркорлик субъектлари фаолиятини кенгайтиришда солиқ механизмларида фойдаланиш масалалари.....	119
Arziyev M.A. O‘zbekiston iqtisodiyotini transformatsiyalash sharoitida oilaviy tadbirkorlikni rivijlantirishning ustuvor yo‘nalishlari.....	122
Maxkamova S.Sh. Ekologik innovatsiyalar orqali yerni oqilona boshqarishning tashkiliy va iqtisodiy mexanizmini takomillashtirish.....	127
Olimova N.X. Yashil moliyalashtirishning rivojlanish tendensiyalari hamda hozirgi amaliyoti: milliy kontekst	137
Zaylobitdinova H.X. Davlat oliy ta‘lim muassasalarining tijorat faoliyatini samarali boshqarish strategiyalari.....	141
Komilov A.I. Evolution of the catering industry in the context of digital technologies.....	145

“YANGI O‘ZBEKISTON IQTISODIYOTI” *jurnali* 5-son 2026 yil

Sotvoldiyev N.N. Mamlakatimizda yashil iqtisodiyotni rivojlantirishda mehnat bozoriga ta'sir etuvchi omillar.....	149
O'rinov A.A. Sanoat tarmoqlarining investitsion imkoniyatlarini barqarorlik indikatorlari asosida boshqarish mexanizmlari.....	154
Ahmadaliyeva R.A. O'zbekistonda xufyona iqtisodiyotga qarshi kurashish samaradorligi.....	158
Uzganbayeva D.T., Alimova Sh.F. The role of investment strategies in transforming small business entities into large corporate structures.....	162
Goziyev M.Sh., Abdufattoyeva M. Sun'iy intellekt asosida iqtisodiy qarorlar qabul qilish samaradorligini oshirish.....	167
Qobilov H., Uzganbayeva D.T. O'zbekiston iqtisodiyotida xususiy tadbirkorlikning ro'li: so'nggi yillardagi islohotlar sharoitida iqtisodiy o'sish va bandlikka qo'shayotgan hissi.....	170
Sotiboldiyeva R., Uzganbayeva D.T. O'zbekistonda xotin-qizlar tadbirkorligini rivojlantirishda moliyaviy qo'llab-quvvatlash mexanizmlarining ahamiyati.....	174
Маматкулов З.Ш. Хизмат кўрсатиш фаолиятининг шакллантириш ва бошқаришда хориж тажрибаларидан самарали фойдаланишнинг инновацион йўналишлари.....	179
Shamsiddinov P., Uzganbayeva D.T. Iqtisodiyotning raqamlashtirishning afzaliklari va uning oqibatlari.....	185
Qosimov A.S. Jizzax viloyati mahallalarining qayta nomlanishi va demografik jarayonlar va iqtisodiy samaradorlik ko'rsatkichlari.....	189
Qodirov A., Tulaganov E.J., Berdimurodov U.S. Inson kapitalini kapitalizatsiya qilish va samaradorligini oshirish.....	192
Saidkarimova M.I., Sobirov O.A. Sanoat korxonalarining raqobatbardoshligini oshirish yo'llari.....	199
Saidova M.J. Sanoat transformatsiyasi sharoitida kichik biznes va tadbirkorlikning o'rni (Andijon viloyati misolida)	203
Юсупов А.С., Пардаев Х.Ф. Динамическое управление международным портфелем акций: механизмы ребалансировки и преимущества глобальной диверсификации в условиях волатильности валютных рынков.....	206
Burxonov J.X., Soliyev I.I. Mehnat bozorini tartibga solishda innovatsion yondashuvlarning xorij tajribasi tahlili.....	213
Xaitbaev J.O. Mintaqa iqtisodiyotini barqarorligini ta'minlashda suv resurslaridan foydalanishning ko'p omilli ekonometrik modellari.....	217
Saidov U.S. Kichik tadbirkorlik subyektlarida ekologik innovatsiyalarni rag'batlantirishning moliyaviy yo'nalishlari.....	221
Nurmaxanmadov N.B. Iqtisodiyotning ekologiyaga ta'sir moyilligining oshib borishi muammosi.....	224
Xudayberdiyev K. Davlat xaridlarida elektron platformalar faoliyatini optimallashtirishda sun'iy intellektga asoslangan moderatsiya mexanizmlarining roli.....	230
Xolxo'jayev E.G'. Davlat xaridini tashkil etishda elektron savdolardan foydalanish samaradorligi hamda imkoniyatlari tahlili.	234
Rustamova F.A. Qishloq joylarda tadbirkorlik subyektlarining iqtisodiy samaradorligini baholash va uni oshirishning tashkiliy-iqtisodiy mexanizmlari.....	238
Ikromov A. Iqtisodiy jarayonlarni ekonometrik modellashtirishda integro-differensial tenglamalarning o'rni va ularni tadqiq etish.....	241
Sarimsakov B.R., Usmonov J.Q. Xorijiy mamlakatlarda inson kapitalidan qishloq xo'jaligi ishlab chiqarishida samarali foydalanish tajribalari.....	245
Maraimov I.R. O'zbekistonda kambag'allikni kamaytirish va aholi turmush farovonligini oshirish.....	251
Yusupov Sh.B. Xorazm viloyatida sanoat korxonalarining iqtisodiy samaradorligini baholash va oshirish yo'llari: 2020–2025 yillar tahlili va 2030 yilga prognoz.....	256
Chintemirova D.Sh. Hududlar kesimida kichik biznes va xususiy tadbirkorlik faoliyatining rivojlanish tendensiyalari.....	260
Xusanova Z.R. Ayollar tadbirkorligini rivojlantirishning samaradorlik ko'rsatkichlari va unga ta'sir ko'rsatuvchi omillar.....	265
Tajiboyev S.O., Gulimboyev S.I. Moliyaviy siyosatning investitsiya muhitiga ta'siri.....	270
Tajiboyev S.O. G'aznachilikda to'lovlarni amalga oshirish.....	275
Xaydarov M., Baxtiyorov I. Innovatsion iqtisodiyot g'oyalari va ularni oliy ta'lim tizimi orqali qo'llashning nazariy asoslari.....	279
Ким Т.В., «Зарубежный опыт развития циркулярной экономики и её роль в формировании ресурсосберегающей модели экономического развития».....	286

“YANGI O‘ZBEKISTON IQTISODIYOTI” *jurnali* 5-son 2026 yil

Saydullayeva R.U. Analysis of financial efficiency and profitability in the green economy: the role of IAS and IFRS standards.....	292
Galatov A.A., Karimova G.A. O‘zbekistonda Islomiy moliyaviy xizmatlar ko‘rsatuvchi nobank tashkilotlar faoliyati va strategik boshqaruv tizimining tahlili.....	296
Tursunov F.U. Oliy ta’lim sifati monitoringini takomillashtirish mexanizmlarini rivojlantirishning zamonaviy yondashuvlari... ..	300
Yakhshiboev R.E. Retrieval-augmented generative AI for smart learning content.....	303
Ergashev S.A. Sanoat korxonalarini barqaror rivojlantirish mexanizmlarini takomillashtirish: ilmiy-nazariy va amaliy asoslar.....	307
Абдуллаева Р.Ғ., Тажибаева Н.Ф. Ўзбекистон иқтисодиётида инвестицияларнинг устувор йўналишлари ва ривожланиш истиқболлари.....	311
Sayfullayev J. Why organizations struggle to implement green management practices: key barriers and practical solutions.....	316
Sirojiddinov K.I. Korxonaning raqobatbardoshligini baholash usullari.....	319
Ibraximov X.S. Mintaqalarda tadbirkorlik muhitini shakllantirishda kichik biznesni davlat tomonidan qo‘llab-quvvatlashning o‘rni va mexanizmlari.....	324
Tajibayev K.Q. Farg‘ona vodiysida kichik biznes sub’ektlari raqobatbardoshligini oshirishning metodologik asoslari.....	328
Abdulxakimov Z.T. Barqaror rivojlanish evolyusiyasi va tarkibiy qismlari masalalari.....	332
Pazilidinov M.M. Kichik biznes va xususiy tadbirkorlikni rivojlantirishda xorijiy mamlakatlarning raqamlashtirish tajribasi.....	337
Жураева М.З., Ахмедов Р.М. Экосистема применения системного подхода в менеджменте транспортной инфраструктуры.....	341
Ахмедов Р.М. Основные требования к разработке системного подхода в менеджменте дорожного хозяйства Республики Узбекистан.....	348
Mamasiddiqova F.X. Qishloq xo‘jaligida mahallalar ixtisosligi: nazariy asoslar, regional tahlil va rivojlantirish istiqbollari.....	353
To‘rayev A.A. Mehnat bozorini texnologik transformatsiyalash sharoitida ishchi kuchi raqobatbardoshligini oshirish mexanizmlari.	358
Солиев И.И. Концептуальные основы институциональной автономии вузов в условиях модернизации системы образования Узбекистана.....	362
Xasanov S.Q. Sanoat korxonalarini rivojlantirishda modernizatsiya va klaster yondashuvining o‘rni.....	365
Murodov A. Aholining real pul daromadlarini va xarid qobiliyatini oshirishning nazariy asoslari.....	369
Карабаев Р.З. Искусственный интеллект в цифровой экономике Узбекистана.....	374
Rasulova Sh.A. Bozor iqtisodiyotida monopoliyaning mohiyati, shakllari va uning O‘zbekiston iqtisodiyotiga ta’siri.....	378
Salimov A.F., Rasulova Sh.A. Bozor muvozanati va unga ta’sir ko‘rsatuvchi omillar.....	381
Sattarova G.X. O‘zbekiston logistika bozorida yuk tashish xavflarini sug‘urta orqali kamaytirishning iqtisodiy samaradorligi.....	385
Муродхўжаева Ф.М. Маҳаллий саноатни шакллантиришда кластер ёндашуви ва 2030 йилгача трансформациянинг прогноз параметрлари (Наманган вилояти мисолида).....	389
Yoqubjonov R.R. Kichik biznes mahsulotlari raqobatbardoshligini oshirishda innovatsion yondashuvlar.....	396
Nasritdinov B.X. Risklarni integral baholash kichik biznesda moslashuvchan boshqaruv tizimi asbobi sifatida	400
Abdurazzoqov H.A. O‘zbekistonda yashil iqtisodiyotga o‘tish jarayonining hozirgi holati va tendentsiyalari.....	406
Turgunov M.M., Soliyev I.I. Milliy innovatsion tizim samaradorligini oshirishning strategik yo‘nalishlari.....	411
Kuzimuratova D.M. O‘zbekiston Respublikasida tijorat banklarining investitsiya faoliyatini rivojlantirish va takomillashtirish.....	414
Soyibjonov I.S. Kichik biznes va tadbirkorlik subyektlarini yashil iqtisodiyot tamoyillari asosida rivojlantirish.....	419
Axmadjanov I.I. Shaharlar va shahar aglomeratsiyalari mintaqalar va mamlakatlar ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishining drayveri.....	423
Odinayev G‘.J. Nogironligi bo‘lgan aholi qatlamini strategik sohalarda band qilish loyihalari.....	427
Abduvahobov V.B. Jinoiy daromadlarni legallashtirishga qarshi kurashishning global standartlari va O‘zbekiston tajribasi: kompleks tahlil.....	430
Қўзиева Н.Н. Билвосита солиқларнинг шаклланиши ва ривожланиб бориши.....	435

**ИСЛОМИЙ БАНКЛАРНИНГ ИШЛАШ ТАМОЙИЛЛАРИ ВА ИСЛОМ МОЛИЯ
ТИЗИМИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИГА ТАТБИҚИ**

**ПРИНЦИПЫ ФУНКЦИОНИРОВАНИЯ ИСЛАМСКИХ БАНКОВ И ПРИМЕНЕНИЕ
ИСЛАМСКОЙ ФИНАНСОВОЙ СИСТЕМЫ К ЭКОНОМИКЕ УЗБЕКИСТАНА.**

**PRINCIPLES OF OPERATION OF ISLAMIC BANKS AND THE APPLICATION OF THE
ISLAMIC FINANCIAL SYSTEM TO THE ECONOMY OF UZBEKISTAN**

Хошимов П.З. ЎзМУ профессори

Тўрахожйев Х.Х. ЎзМУ талабаси

Аннотация

Ушбу мақолада ислом банкларининг анъанавий банклардан фарқи ва уларнинг аҳамияти очиқ берилган. Ислом молия тизимида эга давлатларнинг тажрибалари ва ғоялари ўрганилиб, Ўзбекистон учун муқобил моделлар таклиф қилинган. Шунингдек, Марказий Осиёда Ислом банк ва молия тизимининг ривожланиш омиллари ва келажакдаги прогнозлар келтирилган. Ушбу тадқиқот иши Ўзбекистонда ислом банкларига бўлган талабнинг ошиб бориш фонида, бу тизимни жорий қилишда бўлган имкониятлар, қийинчиликлар ва истисноларга эътибор қаратади.

Калит сўзлар: (Рибо) судхўрлик, муробаҳа, лизинг, мушорақа, мудараба

В данной статье раскрывается разница между исламскими банками и традиционными банками, а также их значение. Изучаются опыт и идеи стран с исламскими финансовыми системами и предлагаются альтернативные модели для Узбекистана. Также представлены факторы развития исламского банковского дела и финансовых систем в Центральной Азии и прогнозы на будущее. Данная исследовательская работа посвящена возможностям, трудностям и перспективам внедрения этой системы в Узбекистане на фоне растущего спроса на исламские банки.

Ключевые слова: ростовщичество (риба), мурабаха, лизинг, мушарака, мудараба

This article reveals the difference between Islamic banks and conventional banks and their importance. The experiences and ideas of countries with Islamic financial systems are studied and alternative models for Uzbekistan are proposed. Also, the factors of development of Islamic banking and financial systems in Central Asia and future forecasts are presented. This research work focuses on the opportunities, difficulties and prospects of introducing this system in Uzbekistan against the background of the growing demand for Islamic banks.

Keywords: (Riba) usury, murabaha, leasing, musharakah, mudaraba

Сўнгги йилларда глобал молия тизимида муқобил ва барқарор молиявий моделлар излаш жараёни кучаймоқда. Шу нуқтаи назардан, исломий банкчалик ва молия тизими нафақат мусулмон мамлакатларда, балки бутун дунёда тобора долзарб аҳамият касб этмоқда. Исломий молия тамойиллари адолат, шаффофлик ва реал иқтисодиёт билан боғлиқликка асослангани сабабли, у замонавий иқтисодий муаммоларга самарали ечим сифатида қаралмоқда. Айниқса, Марказий Осиё давлатларида, жумладан Ўзбекистонда, исломий молия тизимини жорий этиш масаласи долзарб бўлиб бормоқда. Аҳолининг катта қисми мусулмон бўлгани сабабли, шариатга мос молиявий хизматларга талаб юқори.

Ислом банклари, исломий молия ёки шариатга мувофиқ молия – бу шариат (ислом қонунлари) ва уни ислом иқтисодини ривожлантириш орқали амалда қўллашга мос келадиган

банк ёки молиялаштириш фаолияти, яъни у фоиз олиш, ортиқча ноаниклик, жамият ва инсонга зарар келтирувчи нарсалардан чекланишга қурилган, хавфларни (рисklarни) баҳам кўрадиган шерикчиликка таянган иқтисодий тизимдир. Ислomий банк ва молиянинг баъзи шартномалар орасида мудараба (фойда ва зарар тақсимоти), мурабаҳа (наrx+кўшимча), ижара (лизинг), мушарака (кўшма корхона) мавжуд.

1-жадвал


Ислomий молия шартномаларининг баъзи турлари[1]

Мудараба (хамкорлик)да фақат иккита одам ёки икки юридик шахслар орасида бўлиши мумкин. Мудорабага киришаётганлардан бири 100% капитал таъминлаб беради ва шу билан уни иши якунланади. Иккинчи томон эса о'з илмини, кучини таклиф қилади. Агар улар олиб бораётган бизнес фойда қиладиган бўлса, аввалдан келишилган улушлар орқали фойда тақсимланади. Аксинча, бизнес банкротга учраса, фақатгина биринчи томон, капитал эгаси зарар кўради. Иккинчи томон, кўрилган зарар учун ҳеч қандай ҳақ тўлашга мажбур эмас.	Ижара (лизинг) деярли лизинг билан бир хил бўлиб, ягона фарқи банк хизматидан фойдаланувчи фоиз тўлашдан воқиф бўлади. Мисол учун, бир инсон автомобил сотиб олмоқчи бўлса ва ислomий банкка мурожаат қилса, дастлабки маълум миқдордаги тўловни амалга оширади. Кейин, банк унга автомобил сотиб олиб беради. Фақат автомобил банкнинг номида қолади. У маълум муддат давомида бу автомобилдан фойдаланади ва фойдаланган вақти учун банк билан келишилган ижара пулини тўлайди.
Мурабаҳа (средит сале) маълум миқдордаги пулни бўлиб-бўлиб тўлаш. Агар бир инсон биронта мол-мулкни сотиб олмоқчи бўлса-ю, етарли пули бўлмаса, у инсон бу вазиятда ислomий банкка мурожаат қилади ва банк билан мурабаҳа шартномаси тузилади. Шартномага кўра, банк ўз номига керакли бўлган мол-мулкни сотиб олади ва фойдалувчига ўзининг фойдасини қўйиб сотади. У инсон бу мол-мулкка тўловни бўлиб тўлаши мумкин.	Мушарака шартномаси деярли Мудараба билан бир хил. Асосий фарқи бу шартномада икки ва ундан ортиқ капитал таъминловчи ва ўз кучини таклиф қилувчи томон бўлиши мумкин. Мушаракада иккала томон ҳам ўз ишчи кучини ва капиталини таклиф этади. Фойда шартномада аввалдан белгиланган нисбатда (пре-десидед) тақсимланади. Зарар эса барча иштирокчилар ўртасида тақсимланади.

Ҳозирги кунда, дунё иқтисодий сахнасида ислom банклари салмоқли иш олиб бормоқда. Нафақат шахсларнинг, балки жамиятнинг фойдасига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатаётган ислom банклари кўп жиҳатлардан рибовий банклардан фарқ қилади. Уларнинг фаолияти ислomий ақидага боғлиқдир, яъни, ҳалол ва ҳаром қондасига кўра, ислom банклари шариатда ҳаром ҳисобланган нарсаларни молиялаштирмайди ва импорт қилмайди. Умуман олганда, улар ўз ресурслари ва инвестицияларини шариатда рухсат этилган хизматлар ва соҳаларга сарфлайди. Шунингдек, бу банклар ўз лойиҳаларида мусулмонлар манфаатини ҳимоя қилишга ва уларга ёрдам беришга катта эътибор беришади.

Бошқа тарафдан ислomий молия товар ва хизматлар ишлаб чиқариш, тақсимлаш ва истеъмол қилинишига боғланган, реал бозор ичида амал қиладиган молиядир. Шу боис, ислomий молия муассасалари маблағни ҳам олишда, ҳам беришда фақат реал бозор битимлари орқали ишлайди, масалан савдо, ижара ва шерикчилик каби. Қарз шартнома асосида пул берсангиз ва депозитни ҳам қарз асосида қабул қилсангиз, сиз реал бозордан ажраласиз, чунки қарз фақат пул билан боғлиқ. Ислomий молияда эса фақат пул билан иш кўрилмайдми. Мисол учун, истеъмолчига машина, музлатгич ёки уй керак бўлса, улар реал бозорга чиқишади ва истеъмолчига ўша машинани, музлатгични ва уйни етказиб беришади, насия сотув, кредит ёки ижара (лизинг) орқали. Бу ҳолатда, ўзаро битимлар музлатгич, машина ва уй бозорида амалга ошади. Анъанавий молия тизимидан фарқли равишда, ислomий молияда “пул бериб, кейин

унинг қандай ишлатилиши билан қизиқмаслик” ёндашуви мавжуд эмас. Мақсад, бу молия битимларини реал товар ва хизматлар бозорида амалга оширишдир.(1-расм)



1-расм. Молия битимларини реал товар ва хизматлар бозорида амалга ошириш [1]

XX аср бошларида, бир қатор мусулмон иқтисодчилари фойзсиз банк тузилмаси ҳақидаги назарияни ишлаб чиқишни бошлашди. Ҳозирги исломий банкчилик асосчиси Абул Аъла Маудуди, 1930-40 – йилларда “Фойз ўрнига шерикликка асосланган молия” ғоясини илгари сурган. 1950 – йилларда, Муҳаммад Узайр исломий банкни “Фойзсиз тижорат банки” сифатида тушунтириб берган биринчи олимлардан бўлди. Али ал-Солих, Монзер Кахф ва Нежатуллоҳ Сиддикий исломий банкчиликка ҳуқуқий ва иқтисодий асос яратган олимлар ҳисобланишади[1]. Улар ишлаб чиққан қонун-қоидалар асосида биринчи тажриба 1963 – йил Мисрда, Мит Гхамр номли банк ташкил этилди. У дунёдаги биринчи амалий исломий банк лойиҳаси ҳисобланади ва лизинг, мудораба ва жамғарма асосида ишлаган.

Кўплаб ғарб иқтисодчилари исломий банкчиликни инновацион ва фойдали молиявий тизим сифатида баҳолайди. Улардан бири, Дурҳам Университети профессори Родней Вилсон: “Исломий банклар яқин шарқ ва Осиёда иқтисодий ривожланишга сезиларли ҳисса қўшмоқда”- деб ўз қарашларини билдиради. Вилсон ўзининг Исламис Финансиал Маркетс асарида исломий молияни глобал молия тизимига муқобил модел сифатида талқин қилади. У сукут (исломий облигатсия), исломий банклар ва инвестиция фондларининг ишлаш механизмини таҳлил қилган ва исломий молия тез ривожланаётганини тан олади, аммо стандартлашув ва ликвидлик муаммолари мавжудлигини таъкидлайди[2]. Бу асардан хулосавий фикр, исломий молия — бу фақат диний эмас, балки халқаро молиявий инструмент эканлигини тушунишимиз мумкин.

Илмий мувозанат учун танқидий қарашлар ҳам зарур, бундай танқидий фикрлар эгаларидан Мисрлик Рисе Университети (АҚШ) профессори Маҳмоуд Эл-Гамал исломий молияни кескин танқид қилади. Унингча, кўплаб исломий молиявий маҳсулотлар номигагина шариатга мос, амалда эса оддий фойзли кредитни айланма йўл билан такрорлайди. У буни “шариат арбитражи” деб атайдди. Мазмунан олганда, у молияда шаклни эмас, моҳиятни исломий қилиш керак деб ҳисоблайди[3].


МДҲ ва Марказий Осиё олимлари ҳам исломий банклар ва молия ҳақида ҳолисона фикрларини билдиришган. Булардан, Россиялик иқтисодчи олим Лилия Калимуллинанинг тадқиқотларига кўра, МДҲда исломий банкчилик ва молияни ривожланишига бу мамлакатлардаги қонунчилик базасининг етишмаслиги, солиқ тизими мос эмаслиги, кадрлар ва шариат экспертлари танқислиги ва аҳоли ва банклар ўртасида ишонч пастлиги тўсқинлик қилади, деган қарашларга эга[4]. Умумлашма, МДҲда исломий молия учун потенциал бор, инфратузилма йўқ. Қозоғистонлик иқтисодчилар фикрича, Марказий Осиё шароитида, сукут ва исломий дарчалар орқали исломий банкчиликка босқичма-босқич, интегратсия орқали ўтиш энг реал йўл деб ҳисоблашади ва бугунги кунда Қозоғистонда исломий молия тўлиқ банк

сифатида эмас, балки анъанавий банклар ичида исломий дарс (window) орқали ривожланмоқда[5]. Ўзбекистонлик тадқиқотчилар илмий мақолаларда қуйидагиларни таъкидлайди: “аҳолининг исломий молияга қизиқиши юқори, бироқ ҳуқуқий база ва шариат кенгашлари етишмайди. Шу билан бирга ҳозирча, исломий молия инвестицияларини жалб қилиш ва инфратузилмаларини шакллантириш учун имконият[6].

Барча қарашлардан хулоса қилиб айтганда, исломий молияни қўллаб-қувватловчилар уни адолатли, барқарор ва реал бозор билан ишлаш орқали иқтисодий инқирозлардан анча узоқ болишини, танқидчилар эса шаклбозлик, ҳақиқий риск-шаринг етишмаслигини таъкидлашади. Барча иқтисодчиларнинг фикрича, МДХ ва Марказий Осиё давлатларида ислом молияси ривожланиши учун имконият катта, лекин ҳуқуқий ва институтсионал муаммолар мавжуд эканлигини кўришимиз мумкин.

Марказий Осиё давлатларининг баъзиларида исломий банклар ва уларнинг тижорий банклардаги дарчалари мавжуд. Улардан бири Қирғизистоннинг ЗАО «ЭкоИсламикБанк» бўлиб, у шариат тамойилларига мувофиқ ишлайдиган исломий банк ҳисобланади, ҳамда НБ КР (Миллий банк) томонидан чиқарилган исломий банк лицензияси асосида хизмат кўрсатади. Қозоғистонда эса Заман Банк (ЗАМАН БАНК) исломий банк фаолиятини олиб борадиган тижорат банки сифатида танилган. У Шариат назорат кенгаши билан фаолият юритади ва исломий молия тамойилларига мос маҳсулотлар (депозитлар, молиялаштириш, исломий рақамли карта ва бошқалар) таклиф этади. Тожикистоннинг Тавҳидбанк (Тавҳид Банк) исломий банк сифатида фаолият юритаётган банклардан бири бўлиб, у шариат тамойилларига мувофиқ ишлайди. Бугунги кунда, Ўзбекистонда Асия Аллиансе Банк исломий банк хизматларини жорий этмоқда. Марказий банк маълумотига кўра, келажакда Ўзбекистонда 10 та тўлақонли исломий банк ва бир неча исломий дарчалар (windows) очилиши кутилмоқда [7]. Умумий таҳлил қилинса, ушбу мамлакатларда исломий банк ва молиясига ялпи талаб мавжуд ва ҳал қилиш керак бўлган масалалар ҳам аниқ, яъни исломий молия институтларини шакллантириш, исломий банк фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияни жорий қилиш, ва уларга қонуний шарт шароит яратиш, ҳамда малакали кадрларни тайёрлаш зарур.

Сўнгги маълумотларга кўра, глобал ислом молияси ҳисобига кирувчи активларнинг умумий қиймати 3,9 трлн АҚШ долларига тенг бўлиб, қуйидаги 2-расмда маълум минтақалар неча фоиз қисмига эгалик қилишини кўришимиз мумкин. Энг йирик қисмига ГСС, яъни форс кўрфази давлатлари 53% (\$2 трлн), Узоқ шарқ (Малайзия ва Индонезия) 21,9% (\$0,86 трлн), МЕНА – форс кўрфази + Шимолий Африка давлатлари 16,9% (\$0,66 трлн), Европа ва АҚШ <5% (\$120-200 млрд), Марказий Осиё давлатлари 0,01% (\$0.7 млрд) қисмига эгалик қилади.



2-расм. Ислом молия активлари ҳудудлар кесимида тақсимланиши [8]

Ўзбекистонда исломий банк фаолиятининг ҳукукий асослари белгиланди, яъни 2026-йил 27-март куни қабул қилинган қонун билан амалдаги қонунчиликка тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Ҳужжатга кўра, эндиликда исломий банк фаолиятини амалга оширишнинг аниқ ҳукукий асослари белгилаб берилди. Жумладан, банкларнинг исломий молия операцияларига фойдани тақсимлаш асосида молиялаштириш, инвестициявий омонатлар жалб қилиш, насияга савдо орқали молиялаштириш, олдиндан тўлов асосида битимлар тузиш, шерикчилик асосида фаолият юритиш ҳамда мол-мулкни исломий ижара (лизинг) асосида бериш каби йўналишлар киритилди. Шунингдек, Ўзбекистонда банк фаолиятини фақат тегишли тартибда ташкил этилган ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан берилган лицензияга эга бўлган юридик шахслар амалга ошириши мумкин. Мазкур лицензия муддатсиз берилади ва уни бошқа шахсларга ўтказиш тақиқланади. Бу қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга киради.

Эурасиан Девелопмент Банк (ЕДБ) таҳлилчилари Марказий Осиё бўйлаб исломий молиянинг ривожланиш салоҳиятига ижобий баҳо бермоқда, гарчи ҳозирча бу соҳа нисбатан кичик бўлса ҳам. 2023-йил ҳолатига кўра, минтақадаги исломий молия ҳажми атиги 699 миллион долларни ташкил этган. Бироқ, бу кўрсаткич 2028-йилга бориб 2 миллиард доллардан ошиши ва 2033-йилга келиб 6,3 миллиард долларга етиши кутилмоқда. Шунингдек, сукут (исломий облигатсиялар) бозори ҳам сезиларли даражада ўсиб, 2028-йилдаги 2 миллиард доллардан 2033-йилга келиб 5,6 миллиард долларга етиши прогноз қилинмоқда (3 — расм).



3 — расм. Марказий Осиёда исломий молия активлари бўйича прогнозлар [9].

2026-йил 25-март куни Ўзбекистон президенти Шавкат Мирзиёев банк тизимида исломий молия механизмларини жорий этиш бўйича тақдимот билан танишган эди. Ўшанда Марказий банк ҳузурида Исламий молия кенгаши ташкил этилиши белгиланганди. Қайд этилишича, мазкур йўналишда муробаҳа, музораба, вакала, салам ва истисно, мушорака ҳамда исломий ижара каби молиявий инструментларни жорий қилиш режалаштирилмоқда. Ушбу механизмлар орқали мижозларни турли шаклларда молиялаштириш ва инвестицияларни жалб этиш имкониятлари кенгайди. Режаларга кўра, жорий йилда камида битта тижорат банкида исломий “дарча” фаолияти йўлга қўйилади. 2026–2030-йилларда эса тўлиқ исломий банк фаолиятини амалга оширувчи камида иккита банк ташкил этиш кўзда тутилган. Ушбу йиғилишда 2026-йилда Тошкент халқаро молия маркази ташкил этилиши маълум қилинди. Ҳисоб-китобларга кўра, 2030-йилгача марказ орқали иқтисодиётга қўшимча 20–25 миллиард доллар жалб этиш, ялпи ички маҳсулот ўсишига ҳар йили 1 фоизгача ҳисса қўшиш, 15 мингтагача юқори малакали иш ўрни яратиш ва 10 минг нафар мутахассис малакасини ошириш мумкин[10]. Бундан кўриниб турибдики, ҳозир О‘збекистонда исломий банклар фаолиятни ё‘лга қо‘йиш учун ҳукукий ва институтсионал база яратилмоқда. Агар 2030 йилгача режалар бажарилса, О‘збекистонда исломий банклар сегменти шаклланиб, ан‘анавий банклар ичида рақобатчи ва харидорларга танлов пайдо бў‘лади.

Ислом молияси ичида банклар энг катта активлар улушига эга, яъни умумий активларнинг 70%ни ташкил қилади. Исломий банк ва молия сектори дунёдаги энг тез ўсаётган молия тармоқларидан бири бўлиб, охириги 5 йил ичида ҳар йили ўртача 8-12% ўсиш кузатилган. Бунга сукут бозори кенгайиши, мусулмон давлатларидаги талаб ва этик инвестицияга бўлган қизиқишнинг ошиши сабаб бўлди. 2024-йилда ислом банклари активлари 5трлн\$ гача етган бўлса, 2025-йилга келиб 5.2 трлн\$ дан ошди. (2 -жадвал)



2 — жадвал. Глобал Исломий банкларнинг активлари (2018-2027) [11].

Исломий банкчиликни жорий қилишда Малайзия ва Бирлашган Араб Амирликлари (БАА) дунёда энг муваффақиятли тажрибага эга давлатлар ҳисобланади. Уларнинг ёндашуви Марказий Осиё учун ҳам жуда муҳим модел бўлиб хизмат қилади. Бунинг учун бир неча асосий сабаблар мавжуд бўлиб, биринчидан, диний ва ижтимоий ўхшашлик. Марказий Осиё давлатларида аҳолининг катта қисми мусулмон, лекин иқтисодий тизим дунёвий. Худди шундай ҳолат, Малайзия – кўп миллатли ва дунёвий давлат, БААда эса исломий қадрият ва глобал иқтисод қоришмаси мужассамлашган. Иккинчидан, бу икки давлат ҳам “Дуал банкинг сйстем” (икки тизимли модел) да банк сиёсатини юритади, яъни бир вақтнинг ўзида ҳам исломий ва анъанавий банклар ўз хизматларини кўрсатади, мижоз ўзи танлайди.

Малайзия моделининг туб моҳиятида кучли қонунчилик базаси ётади. 1983- йили Исламис Банкинг Аст, 2013-йилда Исламис Финансиал Сервисес Аст қабул қилинган ва Шариат назорати қонун билан мустаҳкамланган ва ҳар бир банкда ўз Шариат кенгаши бор. Бу тизим аҳоли орасида исломий молияга ишончни оширган. Исломий банкчилик ва молия тизимини Ўзбекистонга жорий қилишдаги асосий тўсиқ бу кадрлар етишмовчилиги эканини ҳисобга олсак, Малайзиянинг кадрлар тайёрлаш ва ўқитиш усулидан фойдани жуда катта ечим бўла олади. Бунга кўра, Малайзия махсус университетлар ва таълим марказлар ташкил қилиш орқали, мутахассисларни ўзи етиштиради. 2005- йилда, ҳозирда дунёнинг исломий молия бўйича энг нуфузли марказларидан бири ИНСЕИФ университети ташкил этилган ва бутун дунёга малакали кадрларни етказиб беради, жумладан Марказий Осиёга ҳам [12]. Ўзбекистон бу таълим тизимини осон интегратсия қилиши ва натижада кадрлар етишмовчилигини тўлдириши мумкин.

Бирлашган Араб Амирликларида ислом банклари жуда рақобатбардош бўлиб, бунинг сабаби инновацияга бойлиги ҳамда қонунчилигининг мослашувчан ва инвестор-фриендлй эканлигидир. Бу давлатда “Дубай Интернационал Финансиал Сентре (ДИФС)” исломий молия учун халқаро платформаси жойлашган бўлиб, у ерда рақамли банк хизматлари ва финтех стартаплар фаол ривожланмоқда. Бу усул эса, рақамли иқтисодиётга ўтаётган Ўзбекистон учун эски тизимни “сакраб ўтиш” имкониятини оширади. Қўшимчасига, БАА тажрибаси шуни кўрсатадики, исломий молия орқали катта капитал жалб қилиш мумкин[13]. Тан олиш

керакки, Ўзбекистон ташқи инвестицияга муҳтож, айниқса Яқин Шарқдан. Исломий молия янги инвестицияларни олиб киради, шундай қилиб бу, пул маблағлари, молиявий активлар ёки натурал шаклдаги инвестиция кўринишида бўлиши мумкин. Хулоса қилсак, Малайзия йўли – тизимни қандай қуришни ўргатади, БАА тажрибаси эса уни қандай тез ривожлантиришни кўрсатади. Бу икки моделни қўллаш Ўзбекистон иқтисодида диний ва дунёвий мувозанатни сақлайди, эвалутсион йўл билан жорий қилса бўлади, мавжуд банк тизимини бузмайди ва халқаро инвестицияларни жалб қилинишига олиб келади.

Хулоса қилиб айтганда, исломий банкчилик ва молия тизими кундан-кунга ривожланмоқда ва глобал иқтисодиётнинг муҳим таркибий қисмига айланмоқда. Дуал банк тизимини қўллаган мамлакатларда исломий ва анъанавий банклар ўртасида соғлом рақобат ва харидорларда танлов имконияти мавжудлиги, бозор иқтисодиёти шароитида ўз самарасини кўрсатмоқда. Тадбиркорлар ва аҳоли учун бу диний эътиқодларига зид бўлмаган ҳолда пул олиш, мамлакат учун эса янги сармояларни жалб қилиш ва молия тизимини ривожлантириш имконияти. Бу тизимнинг бенуқсон ишлаши учун етарли даражада шарт-шароит яратиб, Ўзбекистон иқтисодиётига жорий қилиш, нафақат унинг миллий иқтисодиётига, балки аҳолисининг асосий қисми бўлган мусулмон қатламига ҳам манфаатли бўлиши шубҳасиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. https://en.wikipedia.org/wiki/Islamic_banking_and_finance?utm_source=chatgpt.com
2. https://www.sciencedirect.com/science/article/abs/pii/S0927538X20302833?utm_source=chatgpt.com
3. El-Gamal M. A. Beyond Shari'a Arbitrage // Islamic Finance: Law, Economics, and Practice. — Cambridge: Cambridge University Press, 2006. — P. 175–189.
4. Калимуллина Л. Проблемы внедрения исламских финансовых институтов в странах СНГ // Экономика и управление. — 2013. — № ... — С. ... — Раздел «Основные проблемы внедрения исламских финансовых институтов в странах СНГ».
5. https://isdbinstitute.org/product/kazakhstan-islamic-finance-country-report/?utm_source=chatgpt.com
6. https://yeuropeansciyence.org/index.php/2/article/viyew/246?utm_source=chatgpt.com
7. https://www.spot.uz/oz/2025/10/24/islamic-finance/?utm_source=chatgpt.com
8. https://mena-fintech.org/news/global-islamic-finance-grows-14-9-reaches-us3-9-trillion-in-total-assets/?utm_source=chatgpt.com
9. https://kz.kursiv.media/en/2025-05-26/yengk-yeri-kazakhstan-poised-to-lead-islamic-finance-growth-in-central-asia/?utm_source=chatgpt.com
10. <https://daryo.uz/2026/03/28/ozbekistonda-islomiy-bank-faoliyatining-huquqiy-asoslari-belgilandi/>
11. <https://www.lseg.com/en/data-analytics/islamic-finance/islamic-market-intelligence/islamic-finance-development-report-2025>
12. https://www.qoala.my/en/blog/financial-management/islamic-banking-in-malaysia/?utm_source=chatgpt.com
13. https://centralbank.aye/en/our-operations/islamic-finance/?utm_source=chatgpt.com